



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 1 декабрь, № 252 (7754)

Сешанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг декабрь ойида видеоанжуман шаклида ўтказилиши режалаштирилган давлатимиз раислигидаги МДХ саммитига тайёргарлик кўриш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари коронавирус пандемиясининг тарқалиши оқибатида келиб чиққан глобал инқироз шароитида икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар барқарор суръат билан ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Хусусан, ўзаро таширлар фаол амалга оширилмоқда, Ҳукуматларо қўшма комиссия ва бошқа ҳамкорлик механизмлари унумли ишлаяпти, ўзаро савдо ҳужжатлари ортиб, иқтисодийнинг турли тармоқларида саноат кооперацияси бўйича устувор лойиҳалар ҳамда гуманитар алмашинув дастурлари давом эттирилмоқда.

Президентлар халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Сўхбат ҳар доимгидек самимий, дўстона ва конструктив рўнда ўтди.

Ў.А.

## ҲУДУДЛАРДА ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 ноябрь куни ҳудудларда жамоат транспортини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.**

Жамоат транспорти — одамларнинг узоғини яқин қиладиган, аҳоли кайфиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган восита. Ўтган 10 ойда Халқ қабулхоналарига ушбу масалада 3 мингдан зиёд мурожаатлар бўлгани ҳам соҳада камчиликлар кўпчилигини кўрсатади.

23 ноябрь куни Тошкент шаҳрида жамоат транспортини бошқариш ва инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси кўриб чиқилган эди. Ушунда давлатимиз раҳбари бу янги тизимни бошқа шаҳарларда ҳам йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берганди. Транспорт вазирилик ва ҳокимликлар томонидан шу борадаги имкониятлар ўрганилиб, таклифлар тайёрланди.

Ийгилишда ушбу таклифлар ҳар бир ҳудуддаги биттадан туман ва шаҳар мисолида муҳокама қилинди.

Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимиз бўйича кунига қарий 20 миллион йўловчидан бор-йўғи 4,4 миллиони ёки 22 фоизи жамоат транспортидан фойдаланмоқда. Бу кўрсаткич Андижон, Қашқадарё, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бундан ҳам паст. 1 минг 200 та кишлоқ туман марказигача бўлган йўналишда жамоат транспорти билан қамраб олинмаган.

Президентимиз кишлоқдан туман марказигача ҳамда у ердан вилоят марказигача бўлган транспорт хизматлари кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш зарурлигини таъкидлади.

— Одамлар учун шаҳар, туман ва кишлоқлар орасида транспортни қулай, хавфсиз ва осон қилиш лозим. Бу хизматлардан халқ рози бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Масалан, бунинг учун йўловчи ташвиш харажатларининг бир қисmini босиб ўтилган масофа ва йўловчи сонидан келиб чиқиб субсидиялаш мумкин. Шу боис Молия вазирлиги ва Транспорт вазирлигига туманлар ичида йўловчи ташувчи корхоналар харажатларининг бир қисmini қоплаш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Келгуси йилдан бошлаб ҳар бир ҳудуддаги биттадан туманда ушбу янги тизим тажрибадан ўтказилиб, жорий этилади.

Туманлардан вилоят марказларига қатновчи автобуслар эскиргани, айримлари хизмат муддатидан ортиқ фойдаланилаётгани кўрсатиб ўтилди. Автобуслар билан таъминланганлик даражаси ҳар 100 минг аҳолига 24 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган ва Андижонда 15 тага ҳам етмайди. Транспорт паркни янгилаш учун келгуси йилда қўшимча 800 та автобусга эҳтиёж мавжуд.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автобусларнинг нархи хорижийга нисбатан юқори экани, шу боис маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, автобус ва микро-автобуслар нархини тушириш муҳимлиги таъкидланди.

Йўловчи ташувчи корхоналар автобус харида қилиш учун оладиган кредитлар фоизининг Марказий банк асосий ставкасидан юқори қисmini қоплаш ва уларга кафилилик бериш тартибини жорий қилиш топшириги берилди.

Самарқанд юртимиздаги энг катта шаҳарлардан бири, унга сайёҳлар ҳам кўп келади. Шу боис Президентимиз бу ерда жамоат транспорти йўналишларини оптималлаштириш заруратига алоҳида эътибор қаратган эди.

Вилоят ҳокимлиги ва мутасадди вазирликларга Самарқанд шаҳрида қулай транспорт тизimini яратиш бўйича Бош режа лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди. Унда йirik чорраҳаларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, алоҳида йўлак автобуслар харақатини ташкил этиш, кўп ўринли автобуслар қўйиш ва интервалларини қисқартириш чоралари белгиланади. Шунингдек, мамлакатимиздаги 30 та шаҳар бўйича шундай бош режалар ишлаб чиқилди.

Тошкент давлат транспорт университети фаолиятини соҳадаги ислохотлар билан узвий боғлаш, профессор-ўқитувчи ва талабаларни бу жараёнда кенг жалб этиш бўйича кўрсатма берилди.

— Транспорт-логистика масалаларига кўп йиллар илм билан ёндашилмади. Замонавий кадрларнинг етишмаслиги бу соҳадаги энг оғрикли муаммо, — деди Президент.

Аҳоли талабидан келиб чиқиб, янги йўналишлар очиш, мавжудларини қайта қўриб чиқиш, автобус бекатларини реконструкция қилиш, бунга хусусий секторни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди. Бу борадаги чора-тадбирлар ижроси жойларга чиққан ҳолда ўрганиб борилиши, халқ депутатлари Кенгашларида ҳар уч ойда транспорт тизими раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, аниқ вазифалар қўйилиши белгиланди. Соҳага оид қонунларнинг бугунги кун талабига жавоб бермайдиганларини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва бошқа мутасаддилар ахборот берди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 3 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2020 йил 20 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони таъсис этилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган УРҚ-473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда; 2020 йил, № 3, 200-модда, № 5, 299, 300-моддалар, № 6, 334-модда) **7-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:  
қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог»;  
**ўн олтинчи — ўлттиз бешинчи хатбошилари** тегишинча **ўн еттинчи — ўлттиз олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги 226-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 64-модда; 1997 йил, № 2, 64-модда; 1998 йил, № 5-6, 114-модда, № 9, 164-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **1-модда:** қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:  
«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог»;  
**ўн олтинчи — ўлттиз бешинчи хатбошилари** тегишинча **ўн еттинчи — ўлттиз олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низом «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвони тўғрисидаги матндан кейин қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони ер ости бойликлари геологияси ва қидируви соҳасини ривожлантириш, геология-қидирувга оид ишлаб чиқаришни кенгайтириш, минерал-хом ашё базасини яратиш ва мустаҳкамлаш, фойдали қазилма конларини очиш ва саноат йўсинида ўзлаштиришга топшириш, геология-қидирув ишларини амалга оширишда ва фойдали қазилмаларни қазиб олишда экологик жиҳатдан тоза илгор ва инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, соҳа учун чуқур билимга эга кадрлар тайёрлаш борасидаги катта хизматлари учун геология, геофизика, гидрогеология, топография-геодезия тармоғининг юқори малакали геологлар ва муҳандис-техник ходимларига ҳамда илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг таҳрибали мутахассисларига берилди»;

3) **Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўкрак нишонлари тавсифи «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвонининг кўкрак нишонига оид тавсиф матнидан кейин қуйидаги мазмундаги **матн** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог»



Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали қумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр. Нишоннинг юз томони марказида, кўтарилаётган қуёш нурлари фониди, юртимизнинг ноёб табияти ва бой ресурсларини ақс эттирувчи водий, дарё ва тоғ чўққилари ҳамда унинг юқори қисмида иккита кескишган геологик болга ва компас ақс эттирилган.

Нишоннинг айланаси бўйлаб пастки ўнг қисмида дафна новдаси ва юқори қисмида «XIZMAT KORSATGAN GEOLOG» ёзуви жойлашган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик, Нишоннинг юз ва орқа томонлари чеккалари қабарик ҳошия билан ўралган.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадагичга халқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

Қадагичнинг бўйи 16 миллиметр, эни 25 миллиметр. Қадагичнинг орқа томонида нишонни кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2020 йил 30 ноябрь  
№ УРҚ—650

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

**«Ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан доимо олдинга қараб боради».**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## БОШ ҚОМУСИМИЗ — БАРЧА ЮТУҚ ВА МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



**Танзила НОРБОЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Давлат сиёсий етуқлиги ва мамлакат ижтимоий барқарорлигини ўзаро бирлаштирадиган мезонлар бор. Улар кўп эмас. Шулар орасида энг асосийси жамиятда қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш бўлса, иккинчиси, ҳокимият ва халқ ўртасидаги шаффоф ҳамда узлуksиз мулоқотни йўлга қўйишдир. Бу нафақат демократия, балки кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир. Мазкур устувор вазифалар ижросининг олий ҳуқуқий асоси эса, шубҳасиз, Конституция ҳисобланади. У шу йилларда замонавий тараққийимиз, танлаган инновацион йўлимиз ва албатта, прогрессив ҳамда халқчил ислохотларнинг том маънодаги Бош қомуси, ёрқин истиқбол сари

етақлаётган энг олдинги маёқ янглиғ намоён бўляпти. Яъни инсонга бахтли бўлиш ҳуқуқини берадиган «олтин чипта»га айланди.

Охириги йилларда Ўзбекистонда рўй бераётган туб ўзгаришлар айнан мана шундай ёндашув шарофатидан бўлаётгани ҳам айни ҳақиқат. Зеро, бундан кўзланган бош мақсад одамларни рози қилиш, улар эртага эмас, айнан бугун яхши яшашлари учун барча шароитни яратиб беришдир. Булар ҳисоботларни тўлдириш, маърузаларга бе-зак бериш учун эмас, айнан ҳар бир фуқаро турмушига фойда, ободлик ва сифат олиб кириш учун қилинаётганини ҳамюртларимиз ўз ҳаётларида ҳис қилишяпти. Пировардида Президентимиз бошчили-

гида халқимиз янгидан-янги марраларни забт этмоқда, кўз ўнгимизда янги Ўзбекистон дунёга юз очаетир. Мазкур ўзгаришларни нафақат биз, балки чет элликлар ҳам эътироф этмоқдаки, бу шубҳасиз, барчамизни қувонтиради. Энг муҳими, юртдошларимизнинг дунёқарашини янгилашни, улар ҳам ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланади.

Муҳтасар айтганда, янги Ўзбекистонда фаоллик, яратувчанлик руҳи билан яшаш ҳар бир инсон учун ҳаёт тақозоси, ижтимоий заруратга айланади борапти. Табиийки, булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Буларнинг туб замирида Конституциямизда белгилаб берилган мақсад ҳамда вазифаларни сўзсиз ижро этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари машаққатлар ётибди.



## ШХТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

**30 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцадоқ шаклида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди.**

Илк бор Ҳиндистон Республикаси раислигида ўтказилган анжумани ушбу мамлакат вице-президенти Венкай Найду олиб борди. Тадбирда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Мишустин, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Аскар Мамин, Қирғиз Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Артём Новиков, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Покистон Ислон Республикаси ташки ишлар бўйича федерал парламент котиби Аббос Андлб иштирок этди.

Мажлис ишида ШХТ ҳузуридаги кузатувчи давлатлар вакиллари — Афғонистон Ислон Республикаси биринчи вице-президенти Амрулла Солих, Эрон Ислон Республикаси вице-президенти Исҳоқ Жаҳонгирий, Беларус Республикаси Бош вазири Роман Головченко, Мўғулистон Бош вазири ўринбосари Содбаатар Янгугин, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташки ишлар вазири Рашид Мередов, шунингдек, ШХТ Бош котиби В. Норов ва Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Ж. Гиеёсов қатнашди.

Жорий йил 10 ноябрь куни



## БАА КОМПАНИЯСИ СИРДАРЁДА КАННАБИС ЕТИШТИРИШГА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТДИ

Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистоннинг асосий стратегик шерикларидан бирига айлана бораётди. БАА мамлакатимиз билан кўп томонлама шерикликни ривожлантириш ва амирликлар ҳукуматининг юқори доирадаги давлат хизматчилари иштирокда йирик лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодийнинг етакчи тармоғи бўлган кишлоқ ҳўжалигида истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётган ана шундай ҳамкорлардан бири «Industrial Innovation Group» (IIG) компаниялар гуруҳидир. Бош қароргоҳи БААда жойлашган ушбу компания юртимизда техник каннабис етиштириш бўйича йирик лойиҳани бошлади.

Каннабис етиштириш агросаноат секторида энг тез ривожланаётган йўналишлардан бўлиб, бугунги кунда 50 га яқин мамлакатларда ўстирилади. Баъзи давлатларда, хатто стратегик аҳамиятли экин ҳисобланади.

Президентимизнинг 2019 йил февраль ойида Сирдарёга ташрифи чоғида кишлоқ ҳўжалиги вазири Жамшид Хўжаев виллоятда техник каннабис етиштириш, уни қайта ишлаш ва маҳсулот ишлаб чиқа-

риш лойиҳасини тақдим этган эди. Ушбу лойиҳа ҳар томонлама қўллаб-қувватланганди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи чоғида мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича икки томонлама инвестиция шартномаси имзоланди.

Ўзбекистон лойиҳа учун барча қонуний асосларни тақдим этди. Жорий йил 17 мартда Ўзбекистонда техник каннабис етиштириш, уни қайта ишлаш ва сақлашга рухсат берувчи қонун имзоланди. Сирдарё вилоятида ушбу ўсимликни етиштириш учун 3 минг 842 гектар ер ажратилди. Бу майдонларни келгусида 25 минг гектарга етказиш режалаштирилган.



# БОШ ҚОМУСИМИЗ – БАРЧА ЮТУҚ ВА МУВАФФАҚИАТЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



## Конун устуворлигини таъминлаш йўлидаги дадил одимлар

Конституция ҳамда конун устуворлигини таъминлаш ҳар қандай жамият тараққиётида энг муҳим омиллардан биридир. Конун устувор бўлган жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан чиқарилаётган ҳужжатлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари Конституция ва қонунларга мувофиқ бўлади. Аксинча бўлса, жамиятда тушунлиқ кайфияти охиб, одамларнинг давлатга бўлган ишончига путур етади, алоқачилар давлатнинг тараққиётга эришиши хомхаёлга айланиб қолади. Шу боис бу масала Асосий Қонуимизнинг 15-моддасида: **“Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўрадилар”**, дея мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳўш, шундай экан, истиқлол йилларида, хусусан, охириги тўрт йилда биз бу борада қандай натижаларга эришдик?

Ҳар бир давлат ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб оларкан, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга йўналтирилган муҳим мақсадлари ҳамда вазифаларини Конституцияда қатъий мустаҳкамлаб олади. Истиқлолимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституцияимиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар ва уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди. Айни чоғда унда жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглиги кафолатланган бўлиб, бу, замонвий демократик тараққиёт учун замин яратди.

Президентимиз мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида шу хусусда ўз фикрини баён этаркан, Конституция ва конун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони эканлигини таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай демократик ислохотларнинг самараси, тинчлик ҳамда тараққиётимизнинг асосий гарови ҳам айнан шу омил билан бевосита боғлиқ. Шу сабабли ҳам барча бугундаги қадрлар, у ҳок вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда, бу қондаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратишга қаратилган сўз-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Аниқроқ айтганда бўлса, **“Конституция ва конун устуворлиги — фаровон ҳаёт гарови”** деган тушуна одамлар онгу шууридан чуқур ўрин эгаллашди ва ижтимоий эҳтиёжга айланиши йўлида меҳнат қилинмоқда. Айни, машҳур инглиз файласуфи, социологи ҳамда ҳуқуқшуноси Йеремия Бентам айтганидек, халқ ўрганиб қолган конституция энг яхшисидир.

Энг аввало, қонунларнинг ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонунбузарликларнинг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга, бундай ҳолатларни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимли шақллантириш чоралари қўрилаётди. Шу мақсадда қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари қабул қилинмоқда. Буларнинг барчасидан қўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса, халқимиз фаровонлигини таъминлаш.

Шу ўринда ўтган йили қабул қилинган **“Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”**ги Қонуни мисол тарихида келтириш мумкин. Мазкур ҳужжат фуқароларнинг давлат ва жамиятга тегишли вазифаларини бажаришга доир конституциявий ҳуқуқини амалга оширишининг таъсирчан механизмини яратишимизда ҳуқуқий асос бўлди. Натижада қатор тармоқларда давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

Эътиборлиси, яқингача давлат-хусусий шериклик борасида оқсаб турган айрим тармоқлар, хусусан, соғлиқни сақлаш ва таълим йўналишларида бу борада олға силжишлар кўзга ташланмоқда. Шу билан бир қаторда, айрим қўнун бузилиши ҳолатлари ҳам кузатишмоқдаки, бу парламент, ҳуқуқат, Олий суд ҳамда бошқа идоралардан қонунлар ижросини таъминлашнинг самарали механизминини янада кучайтиришни талаб этади.

Айтиш жоизки, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда, албатта, жамоатчилик назоратининг ўрни беқиёс. Шу сабабли ҳам юртимизда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Табиики, натижа ҳам ёмон бўлаётгани йўқ. Юрtdошларимиз

давлат аҳамиятига молик барча масалада, хусусан, қонун, Фармон ва қарорлар лойиҳалари муҳокамасида фаол қатнашяпти. Халқимиздан келиб тушган жўяли фикрлар инобатга олиниб, ҳужжатлар лойиҳалари такомиллаштирилмоқда. Буни илк бор ўтган йилги Давлат Бюджети жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилиниб, очиклик ҳамда ошқоралик руҳида қабул қилинганида кузатгандик. Эътибор берилса, унда турли вазирилк ва идоралар ҳар бир сўмини нимага, қандай ҳаражат қилиши аниқ кўрсатиб берилган эди. Шундан кейин жамоатчилик фаоллиги янада ошди.

Дарҳақиқат, одамларимиз энди кечаги одамлар эмас, улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади, муҳокамаларда эса қандай фикр ёки тақлифни илгарии суришни ўзлаштирмоқда. Шу ўринда халқимиз уйқоқлигини ифодалайдиган яна бир мисол ёдга тушди: ўтган йили жойларда дарахтларни оммавий равишда кесиш кучайиб кетганида одамлар кескин нозилик билдирган, шунга қўра, дарахтларни сабабсиз кесишга қарши мораторий эълон қилинган эди. Шунинг ўзиёқ халқ, яъни жамоатчилик фикри қандай катта кучга, таъсирга эга эканлигини очик кўрсатиб турибди.

“Жамоатчилик назорати” дегани фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назоратгина эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, фуқаролик жамиятини тараққиёт топтиришининг муҳим омилларидан бири бўлгани боис ҳам уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ҳамда транспорт соҳаларида ҳам йўлга қўйиш айни зарурат. Қолаверса, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ҳамда хизматлар сифати бўйича ҳам доимий жамоатчилик назорати ўрнатилса, ишларимиз олдга силжишни тушуниш унчалик қийин эмас.

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг ўрни салмоқли. Шу боис ОАВни чинакам “жамият кўзгуси”га айлантириш йўлида жиҳдий ишлар олиб берилмоқда.

Хусусан, охириги тўрт йилда амалга оширилган сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар тўғрисидаги жамият ҳаётида туб бурилиш ўзи берди. Бугунги кунда аънанавий ахборот воситалари билан бирга, интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шақллантиришдан ташқари, жойлардаги хато ва камчиликларни рўйроқ кўрсатиб, уларни ўз вақтида бартараф этишга кўмак бермоқда.

Аммо бу борада ҳам қилинади-ган ишлар кўп. Масалан, давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиклик ҳамда ошқоралик тамойилларни кучайтириш мақсадида фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашимиз талаб этилади. Ўзимизнинг фаолиятимиз билан боғлаб айтганда бўлса, соҳанинг ҳуқуқий асосини бугуннинг талабидан келиб чиқиб такомиллаштиришимиз зарур.

Қабул қилинаётган қонунлар олиб бораётган ислохотларимизга мос ва уйғун бўлган тақдирдагина қўзланган мақсадларимизга эришимиз. Бу, биз сўз юрифтаётган масаланинг навбатдаги муҳим шарти ҳисобланади. Яъни ҳозир амалда бўлган, аммо замон талабларига мос келмайдиган қонунларни такомиллаштиришимиз, шунингдек, қонунларни ижро этиш механизминини аниқ тизим асосида яратишимиз бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Шу ўринда охириги йилларда мамлакатимиз парламенти ҳам замонга мос ҳолда янгиланганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Хусусан, қонун иждорлигига янгича ёндашилмоқда. Халқ вакиллари жойларга бориб, маъжуд вазиятни ўрганаётди, одамлар фикри билан қизикмоқда ва шундан кейинги на олинган фикрларни жамлаган ҳолда янги қонунлар устида ишлашяпти. Амалдаги қонунларнинг эскирган ёки ҳаётдан узоқ меъёрлари ҳам шу мезон асосида такомиллаштириляётди. Натижада қонунларимиз халқ дарду ташвиши ҳамда орузинтилишларини ўзида муҷассам этган ҳужжатлар сифатида жамият ҳаётига татбиқ этилмоқда. Зеро, қонун ишлаши учун у, аввало, халқ манфаатларига хизмат қилиши лозим.

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг галдаги шарти, бу аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ.

Биз ҳар қанча муқаммал қонунлар яратмайлик, агар фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти етарлича бўлмас экан, қўзланган мақсадга эришимиз қийин кечади. Шу маънода, Конституция ҳамда қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданиятни ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ҳамда фаолият тарзига айлантириш йўлидаги ишларимизни янада кучайтиришимиз ўринлидир.

## Халқ — давлат ҳокимияти манбаи

Мамлакатимизда олиб борилаятган туб ислохотлар ва биз эришяётган ютуқларимизда, албатта, мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси ҳуқуқий асос бўлмоқда. Хусусан, Бош қонумимизнинг 7-моддасида: **“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир”**, деб белгиланган бўлиб, бугун бу манба тўла ишга туширилди. Аниқ айтганда бўлса, янги Ўзбекистоннинг олий ижтимоий мўлжалли — Конституцияимизда акс эттирилган моҳиятан эзгу ҳамда инсонпарвар мазмунини ҳаётга жорий қилишга аққол намоён бўлмоқда. Бу улғу ҳаракат, аввало, одамларнинг яратувчанлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, инсон капитали имкониятидан самарали фойдаланишга қаратилган сўз-ҳаракатларда намоён бўляпти, десак, айни ҳақиқат.

Зеро, юртимизда олиб борилаятган инсонпарвар сивбатнинг асосий мақсади ҳам аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароит ҳамда кулайликларни яратишдан иборатдир.

Охириги тўрт йилда янги Ўзбекистонга мос бўлган тартибот, қадрият ва муносабатларнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилмоқда. Бинобарин, Конституцияимизда белгилангандек, юртимизда то маънодаги моҳиятан халқ ҳокимиятининг ҳуқуқий асослари шақллантирилмоқда. Шу мақсадда янги ҳаётнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлган қонунлар, Президент Фармон ҳамда қарорлари қабул қилинмоқда.

Натижада тилимизга янги иборалар, масалан, “халқ билан мулоқот”, “халқ қабулхоналари”, “электрон ҳуқуқат”, “виртуал қабулхона”, “портал”, “ташаббускорлик”, “арзон уйлар”, “халқ дарду ташвиши”, “ҳалоллик вақцинаси”, “давлат-хусусий шериклиги”, “йўл харитаси”, “кафолатланган хавфсизлик” каби бир қатор эзгуликка йўғрилган тушуночалар қириб келди. Мухими, шу иборалар ҳаётимизга кўчиб, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мезонида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда тарихга чекиниб гапирадиган бўлсақ, халқ ҳокимиятини қарор топтириш асрлар давомида нафақат ўзбек халқининг, балки бутун дунёнинг орузи бўлиб келган. Бироқ жаҳонда демократик тамойиллар ижобатининг асосий мезони фақат сайловлар жараёнида холисликка эришиш бўлиб келди. Сайловлар ўлиб бўлганда кейин то навбатдаги айтиб-бағишга эса демократия эмас, авторитария устувор бўлиб қолаверди.

Ўзбекистонда эса Президентлик сайлови ўтиб бўлганидан сўнг халқ ҳокимиятининг мустаҳкам пойдеворини қуриш, демократияни ўрнатиш, ҳаётимизга ҳалоллик ва тўғрилик тамойилларини жорий этиш, жамиятимиздан коррупцияни илдизи билан қўпирди ташлаш, қонунчилик, давлат ҳақда суд ҳокимиятини халқ орузларини амалга ошириш, муаммоларни ечишга сафарбар этишга жуда катта куч билан киришилди. Бугун Ватанимизда ўтаётган ҳар бир кун инсон манфаатларини таъминлашга, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини кафолатли ҳимоялашга, одамларни рози қилишга қаратилган, қисқача айтганда, уларни бахтли-саодатли қилишдан иборат бўлган янги мазмун билан йўғрилган.

Ана шу янги инсонпарвар сивбатдан мамлакатимизнинг барча аҳолиси, хусусан, жамиятнинг эҳтиёжманд, кўмакка муҳтож қатламлари вакиллари ҳам бирдек баҳраманд бўлмоқда. Яъни улар учун ҳам муносиби турмуш шароити яратиб берилди.

Масалан, озодликдан маҳрум қилинган шахсларга пенсия ва ижтимоий сўғурта тўлаб бериш тартиби амалиётга жорий этилди, билиб-билмай жиноятга қўл урган, кейин эса қилишидан чин дилдан пушаймон бўлган минглаб маҳкумлар афв қилинди, узоқ йиллардан буюн биз билан ёнма-ён яшаган бўлса-да, фуқароларни бўлмаган минглаб юрtdошларимизга Ўзбекистон фуқароси мақоми берилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Турли сабабларга кўра хорижга кетиб, ўзга юртларда қўр-зор бўлиб юрган аёллар ва болалар уруш олови ичидида Яқин Шарқ мамлакатлари ва Афғонистондан “Меҳр-1” ҳамда “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари орқали Ватанимизга қайтариб келиниши, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб олиши учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Бу ишлар давом эттирилмоқда. Ушбу янги ижтимоий сивбат фуқароларга мулкка эга бўлиш, муносиби иш ўқиш, дам олиш ва даволашни, сайлаш ҳамда сайланиш, ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишида намоён бўлмоқда.

Хусусан, сўнгиги тўрт йил давомида ёшлар учун олий таълим олиш имкониятлари кенгайтирилди, вилоятлар марказларида илгор кардиология ва ички касалликларни даволаш марказлари иш бошлади, маҳаллий бошқарув соҳаси ходимлари,

ўқитувчилар, шифокорлар ҳамда бошқа касб эгалари ойлик маошлари миқдори узуқсиз равишда ошириб берилмоқда.

Мухими, халқимизни рози қилишга йўналтирилган ислохотлар тобора янги маъно-мазмун касб этмоқда.

## Ҳар ким мулкдор бўлишга ҳақли

Ҳар қандай киши мулк эгаси бўлса, меҳнат унумдорлиги бир неча марта ошади. Мулкдорнинг қайфияти, интилиши, иш юритиши, ўз фаолиятига, умуман, ҳаётга муносабати бошқача бўлади. Мулк эгаси ўз ишини яхшилашга, мулкни кўпайтиришга ҳаракат қилади. Негаки, у жамиятдаги ўзгаришларга бевосита дахлдордир. Шу боис Конституцияимизнинг 36-моддасида: **“Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банка қўйилган омонатлар сир тутиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади”**, деб белгилаб қўйилган.

Умуман, мамлакатимизда ҳар қандай хусусий мулкдорнинг қонуний йўл билан кўлга қиритган мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилинмаслигини таъминлайдиган ишончи ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган.

Мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлашдан иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин. Бу Асосий Қонунимизда ҳам алоҳида белгиланган бўлиб, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Бу меъёр мамлакатимизнинг бошқа қонунларида ҳам акс этган. Хусусан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда олиб қўйилган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича

олдиндан ҳамда тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмаслиги назарда тутилган. Шунингдек, мулкдор хусусий мулк ҳуқуқи бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунча қадар амалга оширилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Ҳар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқ билиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорларимиз ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритмоқда, ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтириб, маҳсулот ҳажми ҳамда олаётган даромадини кўпайтирмоқда. Бундан нафақат унинг ўзи, балки бутун жамиятимиз манфаат қўраётди. Шунинг учун ҳам охириги йилларда, хусусан, хозирги пандемия шароитида юртимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончи ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг қонуний ҳамда амалий хиҳатдан устувор ролинни таъминлаш, иқтисодиётда давлат улушини босқичма-босқич камайтиришга қаратилган аниқ манзилли чора-тадбирлар рўёбга чиқариляпти.

Бу борада қабул қилинган қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат идораларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш йўлида қатъий тартиб ўрнатилди.

Аҳамиятлиси, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили амал қилинмоқда. Қонун ҳужжатларида ушбу фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддият ҳамда ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъекти фойдасига ҳал этилаётгани эса янада эътиборлидир. Тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик бугун давлат сивбатига тўсқинлик қилиш сифатида қаралмоқда.

Ўз навбатида, яна бир муҳим ҳужжат — “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун хусусий мулк ҳуқуқига гайриқонуний таъвозуларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чекашда муҳим аҳамият касб этаётганлигини ҳам айтиш зарур. Шунингдек, бошқа қонун ҳужжатлари тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган қатор ўзгариш

Умуман, бугун эришяётган ютуқларимиз, давлатимизнинг халқро майдонда ташлаётган ҳар бир қадами, ички сивбатдаги туб ўзгаришлар, тинч ва осуда ҳаётимиз, мамлакатимиз ривожига ҳамда халқимиз фаровонлигини ўйлаб қабул қилинаётган Фармон, қарор ва қонунларга Бош қонумимиз — Конституцияимизда белгилаб берилган инсонпарварлик тамойиллари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ҳамда қўшимчалар киритилди.

Шу сўз-ҳаракатларимиз натижа-сида аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги охиб, йилдан-йилга тадбиркорлик субъектларининг сони кўпайиб бораётгани Конституцияимизнинг энг катта ютуқларидан яна бири, десак, мулобафа бўлмайди.

## Пандемия шароитида аҳоли ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда

Хозирги пандемия шароитида аҳолининг ижтимоий заиф қатлами-ни молиявий қўллаб-қувватлашга бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам долзарб масала сифатида қараб келинмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди, қонунларга тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилди. Умуман, ҳозирги мураккаб вазиятда, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги самарали шериклик намоён бўлди, яъни Инкирозга қарши курашиш жамғармаси, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари бирилашиб, инкирозни енгиб ўтишга астойдил ҳаракат қилинмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак бериш мақсадида уларнинг рўйхати, яъни “темир дафтар” шақллантирилди.

Бироқ маҳалла раислари айрим сабабларга кўра, муайян ёрдам олувчиларни эътиборсиз қолдирган, одамлар давлат кўмагисиз қолган ҳолатлар бўлганини ҳам айтиш зарур. Табиийки, бундай ҳолатлар зудлик билан бартараф этиляпти. Шу мақсадда давлат ва жамоат ташкилотлари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Бу меъёр мамлакатимизнинг бошқа қонунларида ҳам акс этган. Хусусан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда олиб қўйилган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича

аҳолини моддий, номоддий қўллаб-қувватлаш мақсадида жойларда ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари билан ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи бўлган қатламнинг дастлабки рўйхати шақллантирилди. Мазкур рўйхатни онлайн тарзда юритиш, мониторинг қилиш мақсадида автоматлаштирилган “Саховат.Аргос.Уз” электрон дастури ишга туширилганлигини ҳам айтиш ўринлидир. Эндиликда ёрдамга муҳтож аҳоли қатламининг рўйхатини мазкур дастурга киритиш, даромад манбаини аниқлаш, меҳнатга лаёқатли қисмининг бандлигини таъминлаш, улар доимий даромадга эга бўлгандан сўнг, “темир дафтар”дан чиқариш ишлари бевосита онлайн тарзда амалга оширилмоқда.

Шу ўринда халқро тажриба асосида камбағаллигини қисқартириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам гапирадиган бўлсақ, биринчи бўлиб пандемия даврида вақтинчалик фаолиятни тўхтатган қорхоналар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта йўлга қўйиши учун давлат томонидан қўллаб-енгиликлари берилганлигини айтиш жоиз.

Иккинчи бўлиб инсон капитали ривожлантирилди. Аҳолига имтиёзли кредитлар, тўғридан-тўғри молиявий кўмак берилиши бунга бир мисол. Хозирги кунда ишсиз фуқаролар турли касб-хунарларга ўқитилмоқда, бунинг учун мономарказлар ташкил қилинди. Юқори малака, олий маълумот талаб этилмайдиган даражадаги ишларга аҳоли кўникмаларини ривожлантириш мақсадида жойларда ўқув курслари очилди. Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида эса аҳоли тадбиркорликка ўқитилмоқда.

Шунингдек, “темир дафтар”га киритилган оилаларга тўғридан-тўғри моддий ва номоддий ёрдам берилмоқда. Масалан, боғча тўловларидан озод этиш, мактабда ўқиётган болаларни мавсумий қийим-бош билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Президент қарори асосида, Қурбон ҳайити байрамида 182 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилаларга қарийб 154 миллиард сўмлик моддий ёрдам берилдики, шунинг ўзиёқ пандемия шароитида аҳолини қўллаб-қувватлашга юртимизда қанчалик эътибор қаратилаётганини аққол кўрсатиб турибди.

Эътиборлиси, хозирги шароитда аҳолини қўллаб-қувватлаш, турмуш фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган сўз-ҳаракатларимиз, бир зумга бўлсин, тўхтаб қолгани йўқ, аксинча тобора кенг қамров ҳосил қилиб бормоқда.



Мажлисида Ўзбекистон томони ушбу тадбирларнинг амалий ижросини таъминлаш юзасида кўриладиган чораларга тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбари билдирган тақдирлари амалга ошириш ШХТ давлатларининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

ШХТга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида, жумладан, пандемия шароитида касаллик оқибатларини бартараф этиш юзасида ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболли, Кўп томонлама иқтисо-

дий ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси ва ташкилот фаолиятига тегишли бошқа масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Шунингдек, тадбирда ШХТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банкларро бирлашмаси хисоботлари ҳам тингланди.

Кўн тартибидан ўрин олган қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2021 йилда Қозғистон раислигида ўтказилди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ, ЎЗА муҳбири.**

## Олий Мажлис Сенатида АГРА

# ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчили палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда парламент куйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

## Фракцияларда

Чунончи, **Тадбиркорлар ва иш-билармонлар харакати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Қимматли қозғалар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 24 январдаги қарори ижроси доирасида ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг институционал салохиятини кучайтиришга қаратилган.

Таъкидлаб ўтилганидек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, эмиссиявий қимматли қозғаларнинг дастлабки чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишда эмитент республика бюджетига ушбу эмиссиявий қимматли қозғаларнинг номинал қийматидан 0,01 фоиз миқдорда ҳақ тўлайди. Агар илгари рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қозғаларнинг номинал қиймати ошса, эмитент республика бюджетига эмиссиявий қимматли қозғаларнинг номинал қиймати ошган сумманинг

0,01 фоизи миқдорда йиғим тўлайди. Лойиҳада агентлик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Капитал бозорини ривожлантиришга қўмаклашиш фондида маблағлар ўтказилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу тўловлардан тушган маблағлар Ҳукуматнинг тегишли қарори билан белгиланган мақсадларда фойдаланилади.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида “2021 йил унчи Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги”ги қонун лойиҳасига билдирилган учта тақлиф амалда ўз ижросини тоғани қўйди.

Булар — Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Эл-юрт умиди” жамғармаси учун бюджетдан ажратиладиган маблағни ошириш, мактабгача таълим тизимида хизмат қилаётган педагогларнинг мавқеини кўтариш ва уларнинг иш ҳақларини кўпайтириш ҳамда давлат-хусусий шериклиги асосида барча мактабларда ошқоналар фаолиятини йўлга қўйиш ва бу фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорларга имтиёзлар бериш тақлифлари.

Йиғилишда таъкидланганидек, хусусан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси учун келаси йилги ажратиладиган маблағ икки баробар оширилади. Яъни жамғармага 2021 йил бюджетидан Ҳукумат тақлиф қилганидек 30 миллиард сўм эмас, 62,5 миллиард сўм ажратилади. Мактабгача таълим ташкилотларида келажакдаги пойдевори шаклланаётгани эътиборга олиниб, педагогларнинг маоши 2021 йилда 20 фоизгача оширилади.

Шунингдек, келаси йилда Давлат бюджетидан таълим объектиларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун қарийб 1,8 триллион сўм ажратиш белгиланган ҳамда бунда мактабларда замонавий шарт-шароитга эга бўлган ошқона ва спорт залларини қуриш ҳамда мавжудларини таъмирлаш ҳам кўзда тутилгани маълум қилинди.

Йиғилишда ушбу фаолият билан шуғулланаётган тадбиркорларга мактаб ошқоналарини 10 йилгача ноль фоизда ижарага бериш ҳам кўзда тутилгани таъкидланди.

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** аъзолари томонидан муҳокама қилинган “2021 йил учинчи солиқ сийёсатининг асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасига бир қатор тақлифлар берилди.

Жумладан, бугунги пандемия ва инқироз даври ҳамда кўпгина иқтисодий жадал ривожланаётган мамлакатларда истеъмол товарларига солиқларни оширмаслик сийёсатидан келиб чиққан ҳолда, нефть маҳсулотлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари акция солигини қўллаш масаласини яна бир бор кўриб чиқиш зарурлиги таъкидлаб ўтиди.

Шу билан биргаликда, пандемия шароитидаги инфляцияни ҳисобга олган ҳолда уй-жойлар, квартиралар ва дала ҳовиллар учун қўлланилаётган солиқ сийёсатини пандемия даври учун қўллаш масаласини ҳам қайта кўриб чиқиш тақлиф этилди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан тақлиф тайёрлади.

Ҳукумат киритган мазкур қонун лойиҳасига кўра, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга (175-модда) бюджет жараёнининг очиклигини таъминлаш тартибини бузган мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

ЎЗДП фракцияси аъзолари гап Давлат бюджети ижроси, миллионлаб фуқаролар ҳуқуқлари ҳақида кетганда,

бундай жарима мансабдорларга жуда енгил жазо бўлади, деган қатъий фикрни билдирди. Бу эса бюджет маблағлари ишлатилишида шаффофлик ва очикликни таъминлашга хизмат қилмайди, аксинча, бюджет маблағларининг ишлатилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатish имкониятини йўққа чиқаради. Натijaда бюджет ижросида камчиликлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларига йўл очик бўлиб қолаверади.

Шу боис йиғилишда ЎЗДП фракцияси аъзолари бюджет жараёнининг очиклигини таъминлаш тартибини бузган мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима белгилаш, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганда кейин бир йил давомида такорор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима қўллаш тақлиф қилинди.

Фракциялар йиғилишларида муҳокама этилган масалалар юзасидан Фикр-мулоҳазалар билдирилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА**  
(«Халқ сўзи»).

## «ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИ»

дастури ижроси устидан парламент назорати амалга оширилади

Куйи палатанинг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси томонидан Президентимизнинг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида янги механизмларни жорий қилиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тартибда қўллашга қаратилган Фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти ҳамда мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан давра суҳбати ўтказилди.

## Давра суҳбати

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш, фуқаролар умр давомиликларини узайтириш, миллат генофондини асраш, ҳар томонлама соғлом авлод тарбиялаш стратегик вазифа сифатида белгиланган. Бу мақсадларни амалга ошириш юзасидан сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу бирламчи тиббий-санитария, шошилинч ва тез тиббий ёрдам, иختисослаштирилган хизматларнинг такомиллашувига туртки бўлди.

Депутатлар бу йил бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам соғлиқни сақлаш тизими учун катта синов ва айни вақтда янги тажриба ортириш йили бўлганини алоҳида қайд этди.

Соҳа ривожини учун Давлат бюджетидан 14,8 триллион сўм ёки 2019 йилдагига нисбатан 1,2 баробар кўп маблағ ажратилгани, шунингдек, Инвестиция дастурига мувофиқ, ушбу тизимга 1,15 триллион сўм маблағ йўналтирилгани мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, катта ишларни амалга ошириш имконини бергани ҳам халқ вакилларнинг эътиборида бўлди. Шу билан бирга, соҳада қўрилаётган кенг қуламли чора-тадбирларга қарамай, тизимда ҳали камчиликлар мавжуд ва бу, ўз навбатида, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Айниқса, туманлар, чекка қишлоқлардаги фуқаролар тиббий хизматдаги ҳиддий ва туб ўзгаришларни ўз ҳаётида сезмаётгани айтиб ўтилди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими, туман марказий шифохончаларнинг моддий-техника базаси ҳамда малакали кадрлар билан таъминланishi даражаси талабга тўлиқ жавоб бермаслиги, бунинг натижасида худудлардаги беморлар маблағ сарфлаб, Тошкент шаҳрига келишга ёки чет давлатларга боришга мажбур бўлаётгани мисол тариқасида келтириб ўтилди.

Давра суҳбатида куйи палата томонидан Президентимиз Фармон ҳамда қарорлари ижроси юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олингани таъкидланди. Хусусан, мамлакатимизда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижадорлигини янада ошириш устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқишли, куйи палата Кенгаши томонидан тасдиқланди.

Унга кўра, аҳоли саломатлиги, худудларда касалликларнинг кўпайиши ёки камайиши, касалликларнинг олдини олишга қаратилган ишларнинг ҳолатини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси томонидан худудларда 2021 — 2023 йилларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг ташкил этилиши, шунингдек “Қишлоқ шифокори” дастурининг ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш кўзда тутилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилинишини ташкил этиш чоралари кўриладиган бўлди.

Яқунда кўмитанинг тегишли тақлиф ва тавсиялари ишлаб чиқилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**  
(«Халқ сўзи»).

## Жамоатчилик назорати

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК КАФОЛАТЛАНМОҚДА

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти ривожига долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда унинг ҳуқуқий асослари яратилган. Бинобарин, Конституциямизда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқига эгалиги, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил қилиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўли билан амалга оширилиши белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ҳамда самарали ҳуқуқий механизмини яратишда дастуриламал бўлмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, Олий Мажлис палаталари ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига давлат ҳокимияти органлари ҳисобдорлигининг йўлга қўйилиши, “Электрон ҳуқумат”нинг жорий қилиниши, “Mening fikrim” веб-портали фаолиятининг татбиқ этилиши жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорликни ўрнатish бўйича амалга оширилаётган ишларни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, давлат бошқаруви органларининг халқ вакиллари олдидаги ҳисобдорлиги бажарилаётган ишларнинг очик-ошқоралиги, энг муҳими, уларнинг масъулияти бўлишини таъминлапти.

“Электрон ҳуқумат” жорий этилган, бир қатор ўзгаришлар бўлди. Чунончи, давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиклиги анча ортди, давлат органлари хизматларидан фойдаланиш кенгайди ҳамда осонлашди, уларни ало-

ҳида фуқароларга тақдим этиш имконияти ву-жудга келди, фуқароларни сийёсий жараёнларга ва давлат бошқарувига жалб қилиш имконияти юзага келди, ахборотлардан фойдаланиш ва уларни алмаштириш тезлашди, асосийси, қулайликлар яратилди.

“Mening fikrim” веб-портали орқали эса Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига электрон жамоавий муно-жаат бериш имконияти тақдим этилди. Ҳозир ҳар бир фуқаро ўзининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, мамлакат қонунчилик тизимини ривожлантириш борасида ўз фикрларини билдираётди.

Фуқаролик жамияти шаклланишида фуқаролик жамияти барча институтининг ўзаро ҳамкорлиқда ишлаши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамоатчилик назоратининг мақсади — давлат ҳокимияти органларининг аҳоли олдидаги мажбуриятларини қандай бажараётганликлари назорат қилишдан иборат. Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ошқоралиги эса жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун қулай имконият яратди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2020 йил 16 апрелдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурида Жамоатчилик пала-

таси фаолияти йўлга қўйилгани жамоатчилик назоратини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, палата олдида давлат ва жамият институтлари ўртасида самарали мулоқотни ўрнатish, давлат органлари иши устидан назоратни кучайтириш, “халқ дипломатиясини” ривожлантириш масаласи долзарб этиб белгиланди.

Тан олиш керак, бугун жамоатчилик фикрини ўрганиш, уни мунтазам бойитиб бориш, мавжуд муаммоларни тизимли равишда таҳлил қилиш, ечимини топиш учун оммавий ахборот воситалари ва ҳўжалик бошқаруви органлари тарихида янги шакл ҳамда мазмунда ташкил этилган ахборот хизматларининг бекисё ҳиссаси бор. Шу сабаб, бу бўғини давлат ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим йўналиши, дейиш мумкин.

Сўнгги икки йил давомида оммавий ахборот воситаларига алоҳида эътибор қаратилиши, сўз эркинлигининг таъминлини давлат ва жамият ўртасидаги кўпқиринг мустаҳкамлашига ҳамда узлуксиз алоқаларнинг кафолатланishiга олиб келди. Гарчи, кўп ҳолларда айрим келиш-мовчиликларни келтириб қараётган бўлса-да, бу фаолилик ижтимоий тармоқлар ва блогерлар фаолиятига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Энг асосийси, жамиятнинг фаоллиги ҳамда сийёсий жараёнларга қизиқиши ва аралашуви ортди. Қўзланган мақсад ҳам шу эди аслида. Жамоатчилик назорати кучайди, улар ҳар бир жараёнга ўз муносабатини билдира бошладилар, давлат ҳамда жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик яратилди.

**Умида РАҲМОНОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчили**  
**палатаси депутати.**

# ХИЗМАТЛАР ВА СЕРВИС СОҲАСИ НЕГА ОҚСАЯПТИ?

Бирорта соҳа йўқки, хизмат ва сервисга боғлиқ бўлмаган. Бу боғлиқлик ҳамда узвийлик ҳар қандай тармоқ ривожига муҳим омил саналади.

## Фикр

Президентимиз раислигида худудларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида айнан мана шу масалалар муҳокама қилинган бегиз эмас, албатта. Унда дунёда сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 61 фоизга тенг эканлиги ва бу кўрсаткич

Ўзбекистонда 36 фоизни ташкил этиш айтиб ўтилди. Ана шу биргина рақамнинг ўзи мамлакатимизда хизматлар ва сервис соҳаси оқсаяётганини кўрсатиб турибди. Бу соҳани ривожлантириш орқали қандайдан қанча янги иш ўринлари очил, аҳоли мушкулларини осон ҳамда узогини яқин қилиш мумкинлиги давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди.

Ҳаммамизга маълумки, давлатимиз томонидан тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаяпти, қулай имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётди. Бунинг самараси ўларок, бугунги кунда агросаноат тармоғи изчил ривожланиб, замонавий иссиқхоналар, интенсив боғлар ҳамда чорвачилик ҳўжаликлари кўпайиб бормоқда. Аммо иссиқхонада помидор, бодиринг, киви ёки мандарин етиштириш илмини пухта биладиган, шу соҳанинг етук агрономлари, зоотехник ва ветеринарлари, ўсимликларни ҳимоялаш ҳамда уруғчилик бўйича мутахассислар жуда кам. Холбуки, уларга талаб ниҳоятда юқори.

Йиғилишда бу соҳада замонавий хизматлар кўлимни кенгайтиришда ҳорижий мутахассислар билим ҳамда салоҳиятидан фойдаланиш, амалий ўқув курслари ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди. Эътибор берган бўлсангиз, мактаблар, болалар боғчалари, тиббиёт муассасаларида бино ва иншоотлардан ташқари 5 — 10, ҳатто 15 сотиқгача ортиқча ер майдонлари мавжуд. Бу ер майдонларининг бир қисми фойдаланилмаган тургани ҳам айни ҳақиқат. Айнан ана шу фойдаланилмаган турган ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларига тегишли бўлган ерларда хизмат кўрсатиш объектилари барпо қилиш мақсада мувофиқдир. Бу ер-

ларга тадбиркор ҳамда инвесторларни жалб қилиш орқали хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш имконияти мавжуд. Шундай бўлган, ерларни ажратиш ҳамда тақсимлашда мутасадди раҳбарлар ва депутатлар фаоллик кўрсатишлари лозим. Биз, депутатлар эса ушбу соҳани жадал ривожлантириш йўлида жойларда тизимли иш олиб бориш, давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларни ўз вақтида амалга оширишда бош-қош бўлишимиз керак.

**Барно МИРЗАМОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчили**  
**палатаси депутати.**

# ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИНИНГ МАРКАЗИ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ



Тошкент вилоятининг “Уйғур” маҳалла фуқаролар худудида Ўрта Чирчиқ туманининг янги маркази маъмурий бинолари фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ва туман ҳокимлиги мутасаддилари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

## Бунёдкорлик

Маълумки, Нурафшон шаҳри Тошкент вилояти маъмурий марказига айланган туфайли Ўрта Чирчиқ тумани марказини ташкил этиш ва ижро ҳокимияти органлари бўлим ҳамда ташкилотларини кўчириш зарурияти юзага келган эди. Шу мақсадда “Уйғур” маҳалла фуқаролар йиғинидан 18 гектар ер майдони

ажратилиб, унда туман марказини қуриш лойиҳаси тасдиқланди. Ўтган қисқа вақт мобайнида туманининг бўлажак марказида ижтимоий соҳа объектилари замонавий ва миллий шаҳарсозлик режаси асосида қайта қурилди.

Хусусан, туман ҳокимлигининг 4 қаватли биноси ҳам замонавий қиёфада қад ростлади. Бу ерда



Умуман олганда, туманининг барча қорхона ва ташкилотлари ўзида жамланган шаҳарча янги қиёфа касб этаётди. Халқ таълими ҳамда Мактабгача таълим бўлимлари, прокуратура, ички ишлар бўлими, Бандликка қўмаклашиш маркази, кўп тармоқли марказий поликлиника бинолари ҳам бир-бирига ёна-ён жойлашиб, ўзаро ҳаммаҳаллик касб этган. Хотира майдони рўпарасида қуриб битказилаётган кўп қават-



ли тураржой бинолари, биринчи навбатда, яшаш шароити оғир ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оила-ларга, ёшларга берилиши режалаштирилмоқда. — Президентимиз томонидан вилоятимизга берилаётган эътибор туфайли аҳоли турмуш даражасини юксалтириш доирасида кенг қуламли ишлар амалга оширилмоқда, — деди Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов. — Вилоят марказининг Нурафшон

шаҳрига кўчирилиши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг янги, замонавий бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилиши мамлакатимизда олиб борилаётган ишларнинг натижасидир. Бу билан бир пайтлар пойтахт худудида жойлашган вилоятнинг маъмурий идоралари бево-сита халққа яқинлаштирилди. Энг асосийси, мазкур бунёдкорлик ишлари вилоятнинг 3,5 миллион аҳолисига қулайлик яратиш, худуд қиёфасининг ўзгариши ва одамларимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Тадбир иштирокчилари тантанали маросимдан сўнг туман ҳокимлиги ва Давлат хизматлари маркази биноларида яратилган шароит, аҳоли ҳамда тадбиркорларга кўрсатиладиган хизматлар турлари билан танишиб, иш жараёнини кўздан кечирди.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**  
(«Халқ сўзи»).

# БАА КОМПАНИЯСИ СИРДАРЁДА КАННАБИС ЕТИШТИРИШГА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТДИ

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан таркибда тетрагидроканнабинол 0,2 фоиздан кам бўлган техник каннабис етиштиришга рухсат берилди. Дарвоқе, Ховос туманида экилган каннабис навида тетрагидроканнабинол миқдори 0,00008 фоиз. Бу қонунда белгиланган меъёрдан 2,5 минг баравар кам дегани.

Имзоланган шартномага мувофиқ, IIG компаниялар гуруҳи Сирдарё вилоятида техник каннабис, зият ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги ўсимликлари целлюлозасини етиштириш бўйича лойиҳани амалга оширмоқда. Инвестор каннабис етиштириш, унинг ҳосилини йиғиб олиш ва хом ашёни қайта ишлаш учун юқори сифатли ускуналар харид қилган. Шунингдек, энг яхши технологик жиҳозлар ва тозалаш техникаси сотиб олинди.

83 дона замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникаси, автомобиль ва бошқа махсус техникалар ёрдамида ажратилган ер майдонини тўлиқ ўзлаштириш бўйича иш олиб борилмақда. Дастлаб ерни экишга тайёрлаш учун тупроққа ишлов берилади, бегона ўтлардан тозаланиб, шўрлан-шини назорат қилиш чоралари қўрилади ва томчиллатиш сугориши йўлга қўйилади.

Каннабис фойдаланишга яроқсиз майдонларга экилади. Ховос туманидаги техник каннабис экиш учун ажратилган ер 30 йилдан бери фойдаланилмаган келган. Бундан ташқари, ажратилган майдоннинг тахминан 50 фоизи кучли шўрланган аниқланган. Қисқа вақт ичида нафақат каннабис етиштириш, балки уни қайта ишлаш ва экспорт ҳам ашё тайёрлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. IIG компаниялар гуруҳига кирувчи “RS Success Agro” номи Ўзбекистон компанияси лойиҳани ўз маблағлари орқали молиялаштирмоқда.

Инвесторнинг келгусидаги режалари тетрагидроканнабинол миқдори паст, аммо пояси ва уруғидан юқори ҳосил олиш мумкин

бўлган навлар яратишдир. Натijaда Ўзбекистон каннабис етиштириш ва ундан маҳсулот ишлаб чиқариши йўлга қўйилган мамлакатлардан бирига айланади.

Каннабис ўсимлиги озиқ-овқат, косметика, тўқимачилик, енгил саноат, қозғ, қурилиш, авиация, ҳарбий соҳалар ва ёнлиги ишлаб чиқариш учун энг машҳур ва мақбул хом ашёдир. Бугунги кунда техник каннабис хом ашёсидан 50 мингдан ортиқ турдаги экологик тоза маҳсулот ва буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу юз минглаб тонна захарли чикинди ажраладиган синтетик ишлаб чиқаришдан кўра анча афзалдир.

Техник каннабис қозғ-целлюлоза саноатида мос экологик хом ашёдир. Уни етиштириш Ўзбекистонда импорт қилинадиган қозғ маҳсулотлари ўрнини қоплашда самарали ечим ҳисобланади. Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон қозғ ишлаб чиқариш саноатининг 10 — 12 фоизи маҳаллий хом ашё эвазига қопланади, қолган қисми импорт ҳисобланади.

Халқаро экспертларнинг фикрича, каннабис келгусида асосий экинлардан бирига айланади. Тахминан ўн йилдан кейин пластмасса саноатининг 40 фоизгача хом ашёси ўсимликлардан олинади. Техник каннабис бу борада муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Техник каннабис етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш мамлакат

# ПАНДЕМИЯДА ТУРИЗМ: ТУРКИЯ БУНИНГ УДДАСИДАН ҚАНДАЙ ЧИҚМОҚДА?



Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» махсус муҳбири Туркиядан хабар қилади.

## «Соғлом туризм сертификати» жорий қилинган

Туркия Маданият ва туризм вазирлигининг маълумоти бўлишича, Туркия Европада «Соғлом туризм сертификати» тизимини татбиқ этган биринчи давлат бўлди.

Дарҳақиқат, ҳозирги пандемия шароитида бу заминга келувчи сайёҳлар саломатлигини сақлаш ва хавфсиз саёҳат қилишлари учун тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган. Яъни меҳмонлар мамлакатга ташриф буюрган вақтдан то чиқиш кунига қадар саломатлигини сақлаш ва хавфсиз саёҳат қилишлари учун тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган. Яъни меҳмонлар мамлакатга ташриф буюрган вақтдан то чиқиш кунига қадар саломатлигини сақлаш ва хавфсиз саёҳат қилишлари учун тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган.

«Соғлом туризм сертификати» дастури ўз ичига тўртта асосий йўналишни қамраб олган. Булар йўловчилар ҳамда ходимлар саломатлиги ва хавфсизлиги, объектлардаги ҳамда транспорт соҳасидаги эҳтиёткорлик чоралари бўлиб, натижада бу ерда пандемия талабларига амал қилинган ҳолда, сайёҳлик хизматлари кўрсатишнинг уддасидан чиқилмоқда.

Буни эса сафаримиз аввалидаёқ ҳис қилдик. Гап шундаки, самолётга чиқишимиз билан ширинсухан борт кузатувчилари қўлимизга тиббий ниқоблар, антисептик воситалардан иборат елим халтача тўқатишди.

Хатто, йўловчилар билан гавжум бўладиган Истанбул халқаро аэропортида ҳам оралиқ масофани сақлаш учун зарур чора-тадбирлар қўриляпти. Жамоат жойларини дезинфекция қилиш, ижтимоий масофани сақлаш каби карантиннинг муҳим қоидаларига Истанбулдаги ҳар бир маскан, хусусан, сайёҳлик объектлари, меҳмонхоналарда қатъий амал қилинмоқда. Шу боис Шарку Фарб ўртасида «олтин кўприк» бўлиб келган ушбу ўлкада сайёҳлар айлани пайтда жуда кўп.

## «Меҳмонларга қалбимизда алоҳида жой бор!»

Истанбулнинг Истиклол кўчаси. Бу тарихий кўча яёв кезаркансиз, ҳар қандай чарқоч унут бўлиши, кўнглингиз чигили ёйилиши, шубҳасиз. Миллий қандолатчилик маҳсулотлари сотувчиларининг ширин сўзи, одамларнинг хушмуомаласи руҳиятигизни кўтарди.

Дунёнинг турли бурчақларидан келган сайёҳлар Тақсим майдони томон ҳаракатланаётган ўша машҳур қадим трамвайга чиқиб, олам-олам завқ олишади...

Хайратимизни оширгани эса каштан дарахти мева-ларининг қовуриб сотилаётгани бўлди (Буни каштан дарахтлари сероб бўлган Тошкентда ҳам йўлга қўйсақ бўларкан).

Хўш, сайёҳлар кўчага чиқишга ҳадиқ тортиб турган айлани нозик паллада Туркия туристлари жалб қилишнинг уддасидан қандай чиқмоқда?

Туркия Маданият ва туризм вазирлиги вакили Меҳметхон Келкитнинг айтишича, жаҳон туризм марказларидан бири бўлган бу мамлакат меҳмонларни кутиб олишдан доимо шараф туюди. Шунинг учун пандемия даврида асосий эътибор карантин талабларига риоя қилган ҳолда, хавфсиз ва сифатли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйишга қаратилган.

— Бизда шундай мақол бор: «Меҳмонларга қалбимизда алоҳида жой бор!» — дейди у. — Демак, Туркия эшиклари сайёҳлар учун хар доим очик, уларнинг хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур барча шарт-шароитни яратиб беришга ҳаракат қилмиш.

## 14 тонна тилла билан безатилган сарой

Туркияга келган сайёҳлар кўришга ошқандиган манзиллардан бири, бу — Истанбул шаҳридаги Долмабаҳче боғи.

Бунинг учун асослар етарли, албатта. Чунки Босфор бўғозининг Европа қисмида жойлашган ушбу тарихий мажмуа мамлакатдаги энг катта сарой ҳисобланади.

Саёҳатимиз давомида ушбу

Сарой икки қаватли асосий бинодан ташқари, ертўла ва болохона, тантаналар ҳамда яна турли тадбирлар ўтказиладиган 44 та зал, йиғин ва учрашувларга мўлжалланган 68 та хона, султон харами ҳамда 6 та ҳаммомдан иборат. Бетақорор қандиллар саройга ўзгача зеб, салобат бериб турибди. Уларнинг ёғдуси одатдагидан ёрқинлиги эътиборимизни тортиди. Бунинг боиси эса саройнинг ички безагига 14 тоннадан зиёд олтин ишлатилганида экан...

## Дўстлик ришталари



## Олти(н) устунли масжид

Истанбулдаги маҳаллий ва хорижий туристлар ташқинида яна бир маскан — Султон Аҳмад масжиди.

Мовий масжид номи билан ҳам машҳур бўлган ушбу масканни Султон Аҳмад олтин устунли қилиб қуришга аҳд қилди. Аммо бунга давлат газнаси етмагач, олтин минорали қилиб бўлди. Кези келганда, айташ жоизки, бунга қадар масжидлар тўрт минорали қилиб тикланган. Ўша давр меъморчилигида янгилик бўлган ушбу масжид бир пайтнинг ўзида олти минг кишини ўз бағрига сиғдира олади.

## Хавас ва ҳайратга муносиб антик шаҳар

Туркия бўйлаб саёҳатимизнинг навбатдаги манзили — Анталия шаҳри. Урта Ер денгизи соҳилида жойлашган бу кентда хавас ва ҳайратлар оғушида қолганимиз рост. Унинг биринчиси — қиш фаслидан бирданига

ёзнинг пишқичлик мавсумига тушиб қолганимиз бўлди. Ҳозир бу ерда айлани пишқичлик. Қишлоқ ҳўжалиги ҳудуд иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Хусусан, бутун мамлакат помидор билан таъминланиши баробарида, экспортнинг 80 фоизини ушбу маҳсулот ташкил этади. Улар, асосан, иссиқхона шароитида етиштирилади. Бундан ташқари, апельсин, мандарин, лимон, зайтун, ҳатто, пахта ҳам етиштирилган экан. Шу кунларда боғларда ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари авжига...

Анталиядан 35 километрлик масофада жойлашган антик шаҳар Аспендосга борганимизга йўл-йўлакай фермерлар фаолияти билан ҳам яқиндан танишдик.

Маълумотларга қараганда, у милоддан аввалги бешинчи асрда бунёд этилган бўлиб, бу ҳақда турли афсона ва ривоятлар тилдан-тилга кўчиб юради.

Эмишки, шох Аспендоснинг соҳиб-жамол қизига ошпақлар жуда кўп бўлган. Ота эса қизига муносиб қаллиқ танлашда қийналиб бир шарт қўйди: «Кимки, шаҳримиз аҳолиси учун фойдали ва бетақорор иншоот курса, қизимни ўшага узатаман».

Буни эшитганлар бор бунёдкорлик маҳоратини ишга солади. Улар орасида эгизак йиғитларнинг омади чопади. Сабаби шохга улардан бири бунёд этган сувўтказгич маъқул тушади. Аммо эгизакларнинг иккинчиси тошдан қурган амфитеатрни кўргач эса ўз фикридан қайтади ва архитекторга қизини узатади.

Маҳаллий аҳолининг фикрича, шох адашмаган...

Амфитеатрда томошабинлар учун 39 қатор жой мавжуд, умумий узунлик эса салкам 100 метр. Театр ўз бағрига 20 минг томошабинни сиғдириши мумкин. У шундайин маҳорат билан ишлангани, саҳнага тушган танганинг овози сўнгги қаторда ўтирган томошабинга ҳам аниқ-тиниқ эшитилади. Шу боис бу ерда 2008 йилгача турли концерт ва шоулар ўтказилган бўлиб, бу жараёнда микрофон ҳамда овоз қучайтиргичлардан умуман фойдаланилмаган...

Ўзбекистонлик журналистларнинг Туркия бўйлаб саёҳати давом этмоқда.

## ПОЛИКЛИНИКА 25 МИНГ АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Инсон саломатлиги ҳар нарсадан муҳим. Шу маънода, бугунги кунда нафақат шаҳар марказларида, балки энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий шароитларга эга бўлган тиббиёт муассасалари фаолияти йўлга қўйилляпти.

## Кулайлик



Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги «Қалъача» маҳалла фуқаролар йиғинида замон талабларига мос 64-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

— Айрим пайтларда оддий саволга жавоб топиш учун ҳам вилоят марказига боришимизга тўғри келарди, — дейди меҳнат фахрийси Турсунбой Ота Ҳамидов. — Кексайган чоғда баъзи пайтлар вилоят тугул, туман марказига бориш ҳам малол келиб қоларкан. Шу боис қишлоқимиз оилавий поликлиникаси ўз фаолиятини барча шароит жамланган янги бинода давом эттираётгани бизни қувонтирди.

Ушбу муассаса «Оқ тўнлик», «Шайдо», «Полосон», «Дўрмон», «Енбош Дўрмон», «Ҳўжабод», «Ортиш» ҳамда «Қалъача» маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи 25 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади.

Саминиҳон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

## ЭЪЛОН

## Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎЗДАВЗАХИРА» ҚЎМИТАСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

2020 йил 11 ноябрда ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра маҳсулот етказиб бериш бўйича эълон қилинган 5-ЛОТ — сигир сутидан олинган тузланмаган сарийёғ, ёғлилик даражаси 82,5%, олий нав, ГОСТ 32261:2013, сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламенти (2017 йил 7 июлдаги 474-сонли БМК) 20 — 25 кг. гофра қоробкасида — тендер савдолари фолиби «BUKHARA DAVRON GRAND» МЧЖ деб эълон қилинади.

2020 йил 11 ноябрдаги тендер комиссиясининг баённомасидан кўчирма:

**Тендер комиссияси қарор қилди:**  
Тендер таклифларининг нарх қисмини очиб натижаларини ҳисобга олган ҳолда 5-ЛОТ — сигир сутидан олинган тузланмаган сарийёғ, ёғлилик даражаси 82,5%, олий нав, ГОСТ 32261:2013, сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламенти (2017 йил 7 июлдаги 474-сонли БМК) 20 — 25 кг. гофра қоробкасида етказиб бериш бўйича 1 тоннаси учун 37 500 000 сўмдан тендер фолиби «BUKHARA DAVRON GRAND» МЧЖ деб эълон қилинсин.

(Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Хожа Абдулоҳлиқ Ғиждувоний кўчаси, 7-уй, 5 «А» муойиш).  
5-ЛОТ — сигир сутидан олинган тузланмаган сарийёғ, ёғлилик даражаси 82,5%, олий нав, ГОСТ 32261:2013, сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламенти (2017 йил 7 июлдаги 474-сонли БМК) 20 — 25 кг. гофра қоробкасида етказиб бериш бўйича тендер савдолари захира фолиби «OPTI FOOD» ХК деб эълон қилинсин.

Реклама ўрнида

## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ КҮН САЙИН ОРТМОҚДА

Шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлик алоқалари доирасида бизнес форуми ташкил этилгани «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти учун ҳам ниҳоятда фойдали бўлди.

Гап шундаки, мазкур форум доирасида имзоланган шартномалар бу ерда базальт асосида ишлаб чиқарилаётган иссиқлик ўтказмас материалларни қўшни давлатга экспорт қилиш ҳажмини янада оширди. Яъни бундай ишларнинг мантиқий давоми сифатида 12 тоннага яқин ярим қаттиқликдаги иссиқлик ўтказмас плиталар Хўжанд шаҳрига жўнатилди.

Бизнес форумида, шунингдек, Украинага сирланган пўлат идишлар экспорти ҳам режалаштирилган эди. Шу кунгача 1 минг 440 ўрамдаги сирланган пўлат идишлар ушбу мамлакатга юборилди.

Айтиш жоизки, украинлик тадбиркорлар билан савдо муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Келишувлар самараси ўлароқ, сирланган пўлат идишлардан ташқари,

ҳар хил турдаги арматуралар экспорти ҳам жадал охири бўлди. Бундан ташқари, доимий импортчилардан ҳисобланган Қозоғистонга ҳам сирланган пўлат

идишлар тўплами декабрь ойида юборилади.

Ишонч билан айта оламизки, бу ишларнинг самараси албатта, тез орада ўзини кўрсатади.



## ЯНГИ КЕЛИШУВ — ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисига эркин меҳнат қилиши, тадбиркорлик ишга шуғулланишлари учун жуда катта имконият ва шарт-шароитлар яратилмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги алоқалар ривожланыпти.

Бу эса республикамиз иқтисодиёти барқарорлиги, экспорт салоҳияти юксалишида айлани муқаддас бўляпти. Хусусан, «Бекободцемент» АЖ ва

«Олмалик КМК» АЖ таркибига кирувчи «Жиззахцемент» заводи мулатхасислари билан ферроқотишмалар ишлаб чиқариш чехидан ажралиб чиқадиган технологик чи-

қиндилар (микркремнезем)ни қайта ишлаш юзасидан музокара-лар ўтказилгани худди шундай сазй-ҳаракатлар самарасидир.

Ушбу тадбирлар «Ўзметкомбинат» билан Германиянинг технологик чиқиндиларни қайта ишлаш ва брикетлаш ускуналари ишлаб чиқарувчи «KOPPERN» компанияси ўртасида тузилган шартнома доирасида ташкил этилди.

Олиб борилган музокара-лар натижасига кўра, «KOPPERN» компаниясига микркремнезем маҳсулотидан таҳлил учун намуналар тақдим этилди.

Ҳамкорлик музокара-лари асосида бўлиб ўтган келишувлар натижаси ўлароқ, истиқболда брикетланган микркремнезем маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликка келишилди.

«Ўзметкомбинат» АЖ матбуот хизмати.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 857 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўғамлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.45 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6